Бугунги кунда ижтимоий таъсирни қамраб олган рақамли иқтисодиётнинг самарадорлигини баҳолашнинг аниқ усуллари йўқ. У нафақат миқдорий кўрсаткичларга (ЯИМ ва меҳнат унумдорлиги даражасига), балки ҳаётни янада қулай ва юқори сифатли қила оладиган сифат кўрсаткичларига ҳам асосланиши керак.

Қурилиш мажмуаси тизимларида режалаштириш учун махсус дастурий таъминотга эҳтиёж жуда юқори. Лойиҳани ўз вақтида амалга ошириш ва ресурслардан имкон қадар самарали фойдаланиш учун энг яхши йўлни топиш асосий муваффақият омиллари бўлиб, рақобат ҳар қуни ўсиб бориши билан ташкилотларнинг ривожланишига тажрибалар кўрсатиб бормоқда.

Биз интилайтган “рақамли инқилоб” натижасида ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг аксарияти автоматлаштирилган сервислар ёрдамида амалга оширилади. Бу, ўз навбатида, аҳолига хизмат кўрсатиш жараёнида инсон иштирокини кескин камайтириб, узок

йиллар давомида юртимиз равнақини ортга суриб, аҳоли турмуш сифати ва фаровонлигига салбий таъсир этиб келган бюрократия, қўғозбозлик ҳамда коррупциянинг сезиларли даражада қамайишини таъминлайди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Т. 28.04.2020.

2. Иващенко А.В., Андреев М.В. Программная платформа для оператора 6PL // Программные продукты и системы, 2015. - № 3 (111). - с. 171 - 174

3. Гасанова, Н.М. Совершенствование методики управления реализацией работ инновационного строительного проекта / Н.М. Гасанова, Т.М. Алиева // Транспортное дело России - 2009. - № 1. - с. 66-69.

4. Гласман, К.Ф. Цифровое наземное телевизионное вещание [Электронный ресурс] / К.Ф. Гласман // Новостной бизнес портал 625-net. - 2016. — Режим доступа: <http://625-net.ru>

5. Евгений Кисляков «Как строится проектное управление цифровой экономикой» руководитель аналитического центра при Правительстве Российской Федерации, 09.01.2018

УДК-74

“ҚАЛАМТАСВИР, РАНГТАСВИР, ХАЙКАЛТАРОШЛИК” ФАНИНИНГ ДОЛЗАРЬ МУАММОЛАРИ

Ўринбоев Шакарбой Элибоевич

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институт

Ушбу мақолада “Архитектура” ва “Дизайн” таълим йўналишларида “Қаламтасвир, рангтасвир, хайкалтарошлик” фанини ўқитишдаги муаммолар ҳақида сўз боради. Шу билан бирга СамДАҚИнинг ҳалқаро ҳамкорликдаги ОТМларида фаннинг ўрганилиши мисоллар билан келтирилган.

Калит сўзлар: Ҳаракатлар стратегияси, узлуксиз таълим, мусиқа, рассомчилик, адабиёт, театр ва санъат, тасвирнинг усуллари ва технологиялари, кўча перспективаси, сув юзаси ва ер рельефи, тоналлик перспективасида тасвир тизими, ранглар доираси қонунияти соҳаси, яқин, ўхшаш ранглар.

В статье идет речь о проблемах изучения предмета «Рисунок, живопись, скульптура» по направлениям «Архитектура» и «Дизайн». Даны примеры ведения занятий по этому предмету в других ВУЗах международного сотрудничестве СамГАСИ.

Ключевые слова: Стратегия движения, непрерывное образование, музыка, живопись, литература, театр и искусство, методы и технологии изображения, уличная перспектива, рельеф поверхности воды и поверхности земли, система изображений в тональной перспективе, закон цветового пространства, близость, похожие цвета.

This article discusses the problems of studying the subject “Drawing, Painting, Sculpture” in the directions “Architecture” and “Design”. Examples of conducting classes on this subject in other universities of SamGASI international cooperation are given.

Keywords: motion strategy, lifelong education, music, painting, literature, theater and art, image methods and technologies, street perspective, relief of the surface of the water and the surface of the earth, tonal perspective image system, the law of color space, proximity, similar colors.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси 4.4 бандида таълим ва фан соҳасини ривожлантириш: узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш масаласи, Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббуснинг биринчи бўлимида ёшларнинг мусиқа, рассомчилик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилиши, Мамлакатимиз Президенти М. Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги парламентга мурожаатида “Ёшларимизга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқариш мақсадида, олий таълимдаги мутахассисликка алоқаси бўлмаган

фанлар сони 2 баробар қисқартирилишини” масалалари илгари сурилган.

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Архитектура” фкультетида 1-5 курс талабалари 5340100-Архитектура, 1-2 курс талабалари 5150911-Дизайн (ландшафт) ва 5150903-Дизайн (интерьер), 3-курс талабалари 5150900-Дизайн (Архитектура муҳитлар дизайни), 4 курс талабалари эса 5150900-Ландшафт дизайни ва интерьер бакалаврият таълим йўналишида таҳсил олишади. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолияти Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2018 йил 18 августдаги 4-сонли йиғилишида маъқулланган 5150900-Дизайн (турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг малака талабларида “Тасвирнинг усуллари ва технологиялари, кўча

перспективаси, сув юзаси ва ер рельефи, тоналлик перспективасида тасвир тизими, ранглар доираси қонуниятлари соҳаси, яқин, ўқшаш ранглар, қарама-фарши колористик уйғунликда ташкил топган рангларнинг усуллари, рангтасвир тасвирий санъатнинг бир қўриниши сифатида, рангтасвир эскизи ёрдамида, ранглар акцентини жой-жойига қўйишни, декоратив ҳайкалтарошлик, асарни моделлаштириш, декоратив ҳайкалтарошлик асарини катталаштириш усуллари қўллашни, ҳайкалтарошликда лой, гипс, пластилин, тош билан ишлаш учун махсус асбоблардан фойдаланиш каби талаблар қўйилган.

Малака талаблари асосида “Қаламтасвир, рангтасвир, ҳайкалтарошлик” фани “Архитектура” таълим йўналишида I-III семестрларда, “Дизайн” таълим йўналишида эса алоҳида “Чизматасвир” ва “Рангтасвир” фани сифатида I-IV курслар учун 4 йил давомида доимий ўқитилиб келинади. Лекин биз учун таянч ҳисобланувчи Тошкент архитектура-қурилиш институти “Дизайн” кафедраси томонидан ишлаб чиқилган ўқув режада ушбу фан “Дизайн” таълим йўналишида номи “Архитектуралар қаламтасвири, рангтасвири ва ҳайкалтарошлик” деб ўзгартирилди ва дастлаб VII-VIII семестрлардан, сўнгра V-VI семестрлардан, 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб бутунлай ўқув режадан олиб ташланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори асосида таълим муассасамизда ўқув жараёнига кредит-модуль тизими жорий қилинди. Бу ҳолат эса яна қўшимча муаммоларни келтириб чиқарди. Фанларнинг оптималлаштирилиши натижасида “Архитектуралар қаламтасвири, рангтасвири ва ҳайкалтарошлик” фанига берилган соатлар қисқартирилиб I-II семестр учун 60 соатдан 120 соат қилиб белгиланди. Таянч олий таълим муассасаси ҳисобланмиш ТАҚИ “Тасвирий санъат” кафедраси томонидан ишлаб чиқилган намунавий фан дастурида бу фан турларига алоҳида мавзулар ажратилган. Лекин берилган 120 соат ичига 3 та фаннинг мавзуларини жойлаштириш мутлақо имконсиз. Тўғри бугунги глобаллашув жараёни барча таълим йўналишларида кадрлар тайёрлаш сифатига эътиборни кучайтириш, педагогик таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режа ва дастурларини илғор хорижий тажриба асосида қайта қўриб чиқиш ва такомиллаштириш, мазкур йўналишда таҳсил олаётган талабаларда таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларини шакллантириш, педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш, юқори малакали профессионал педагог кадрларни етказиб бериш каби ечимини кутаётган муаммоларни талаб қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, илғор

тажрибаларга эга бўлган Япония, Италия ва бошқа хорижий давлатларда “Тасвирий санъат” фани мактаб ўқув дастурларида мукаммал, математика фани каби ўқитилиб келинади. Мактабни битирган ўқувчи шу асосда ўзи севган мутахассислик бўйича ўқишни давом эттиради. Бизнинг умумий ўрта таълим мактабларида эса “Тасвирий санъат ва чизмачилик” фанлари асосан номутахассис ўқитувчилар томонидан ўқитилиб келинади. Энди савол туғилади: мактабда ўқитиш сифатига эътибор берилмаган фанни ўлда-жўлда ўзлаштирган ўқувчи олий таълимнинг архитектура ва дизайн йўналишларига ўқишга қиради ва келажакда қандай мутахассис бўлиб етишади? Масаланинг иккинчи томони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сонли “Олий муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида” ги Қарорига мувофиқ, бакалавриятга тест синовларисиз, касбий (ижодий) имтихонлар орқали ўқишга қабул қилиш бўйича таълим йўналишлари рўйхатида 5150900- Дизайн (турлари бўйича) йўналиши ҳам киритилганлиги бизни анча қувонтирди. Аммо, нима учундир архитектура таълим йўналишига эътибор берилмади. 2020-2021 ўқув йилида пандемия сабабли архитектура йўналишига 2-блокдаги (ижодий) имтихонлар ҳам тест синовлари орқали қабул қилинди, дизайн таълим йўналишида эса ижодий имтихон ўтказилди. 2021-2022 ўқув йилида эса архитектура йўналиши учун умуман ижодий имтихон йўқлиги аниқ бўлди.

Бу фанни ўқитиш катта илмий салоҳиятга ва узоқ йиллик моддий техник базага эга бўлган “Тасвирий санъат” кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилади. Лекин натижалар шуни кўрсатяптики, биз “Архитектура” таълим йўналишида ҳаттоки қалам ушлашни, ёки қаламнинг маркасини билмайдиган талабаларга дарс беришга мажбур бўляпмиз. Ушбу таълим йўналишларида “Қаламтасвир, рангтасвир, ҳайкалтарошлик” фанининг қисқартирилиши келажакда бўлажак мутахассисларнинг савияси, малакаси, дунёқараши, креативлиги, мутахассис сифатида ижодий салоҳиятининг тушиб кетишига сабаб бўлиб, талабаларнинг амалий ишларни бажаришда ғоя, ижодий фикрлаш қобилияти кескин пасайтириб юборади. Бу борада кадрлар буюртмачилари ҳам ишга бораётган мутахассисларга эскиз чизиб беришни сўрашганда, компьютер ёрдамида ишлашларини айтишади. Аслида ҳар қандай етук мутахассис ҳам ўз ғоясини қаламда қоғозга тушириб бериши лозим.

Жаҳон тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, СамДАҚИнинг халқаро ҳамкорликдаги ОТМлар таркибига кирувчи Қозон давлат архитектура-қурилиш Университети, Москва давлат қурилиш Университети, Белоруссия Миллий техника университетларининг архитектура ва дизайн ҳамда Тошкент Миллий рассомчилик ва

дизайн институтининг “Дизайн (интерьер)” таълим йўналишларида биринчи босқичдан то якуний босқичгача ушбу фанларга кенг ўрин берилиб, ўқув-режада алоҳида фан сифатида ўқитилиши белгилаб қўйилган. Нахотки, битта

ОТМда таълим олувчи дизайн таълим йўналиши талабалари икки хил ўқув режа асосида ўқитилса? Қуйидаги жадвалда фанга ажратилган соатлар ОТМлар кесимида кўрсатилган.

Курс-лар	СамДАҚИ	Тошкент Миллий рас-сомчилик ва дизайн ин-ститути	Москва давлат қурилиш Уни-верситети (МГСУ)	Қозон давлат архитектура-қу-рилиш Универ-ситети (КГСУ)	Белорус Мил-лий Техника Университети
	5340100-архитектура, 5341700- Архитектура ёд-горликларининг рекон-струкцияси ва реставраци-яси	5150903-Дизайн (ин-терьер)	07.03.01-архи-тектура	54.03.01-Дизайн (графический дизайн)	1.69.01.01-архи-тектура, 5340100-архи-тектура,
I	Архитектуравий қалам-тасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик (120 соат)	Чизматасвир (128 соат) Рангтасвир (64 соат)	Қаламтасвир (136 соат) Рангтасвир (136 соат)	Қаламтасвир (108 соат)	Қаламтасвир (108 соат)
II	5150911-Дизайн (ланд-шафт), 5150903-Дизайн (интерьер) Архитектуравий қалам-тасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик(120 соат)	Чизматасвир (128 соат) Рангтасвир (64 соат)	Қаламтасвир (136 соат) Рангтасвир (136 соат) Ҳайкалтарош-лик (100 соат)	Қаламтасвир (108 соат) Рангтасвир (122 соат)	Қаламтасвир (144 соат) Рангтасвир (72 соат) Амалиёт (144 соат)
III	-	Чизматасвир (128 соат) Рангтасвир (64 соат)	Қаламтасвир (136 соат)	Қаламтасвир (108 соат)	
IV	-	Чизматасвир (64 соат) Рангтасвир (32 соат)	-	-	-

Нахотки Тошкент Миллий рассомчилик ва дизайн институти ва ҳорижий ОТМларда алоҳида фан сифатида ўқитиладиган бу фанлар бизнинг таълим муассасамизда умумкасибий фанлар блогида (3+1, яъни битта фан таркибида) соатлари қисқартирилган ҳолатда ўқитилса? Ахир дизайн таълим йўналиши санъат класси-фикаторига жойлаштирилганку.

Бундан ташқари айни пайтда Республикам-изда олиб борилаётган кенг камровли ислохот-ларнинг ижобий натижаларга эришилиши йўлида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 август куни ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашувда тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида мада-ният, адабиёт ва санъат соҳасини, жумладан, тасвирий санъат йўналишини ривожлантириш борасидаги долзарб вазифаларни белгилаб, уларни ҳал этиш йўллари кўрсатиб берди. Жумладан: “Ижодкорларни ҳар томонлама мод-дий ва маънавий рағбатлантириш, истеъдодли ёшларнинг ижодий имкониятларини кенгайти-риш, рассомлик ва дизайн санъати соҳасида таълим тизимини тубдан ислох қилиш, халқимизнинг тасвирий ва амалий санъат соҳасидаги бадиий меросини асраш ва кейинги авлодларга етказиш, юртдошларимизнинг тасвирий ва амалий санъат соҳасидаги эстетик эҳтиёж ва талабларини қаноатлантиришда бу ҳужжат кенг имкониятлар яратиб беради. Бу-гунги кунда замонавий ўзбек тасвирий санъатига қўплаб ёш истеъдод эгалари кириб ке-

лаётгани, турли йўналишларда фаолият кўрсата-ётган ижодкорлар, хусусан, рассом ва ҳайкалта-рошлар, халқ усталари ижодида янгича мазмун ва шакл, жаҳон санъат майдонида муносиб ўрин эгаллашга интилиш тенденциялари кўзга ташла-наётганини ижобий баҳолаш лозим” – дейилади давлатимиз раҳбарининг сўзларида (2017 йил 16 августдаги ПҚ-3219- сонли Қарори 6-илова).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги ПФ-5392-сонли “Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан та-комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида “Архитектура, лойиҳалаш ва қури-лиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш, ихтисослаштирилган таълим муассаларида ўқув жараёнининг даражаси ва сифатини туб-дан яхшилаш, қурилиш соҳасида, жумладан чет элдаги етакчи илмий-тадқиқот муассаларида лойиҳачилар ва мутахассисларни қайта тайёр-лаш ва малакасини оширишга қўмаклашиш” ма-саласи илгари сурилган.

Яна бир жиҳат, бугунги кунда 2-3 курсларда таҳсил олаётган 5341700- Архитектура ёдгор-ликларининг реконструкцияси ва реставрацияси таълим йўналиши талабалари келажакда рестав-ратор мутахассиси бўлиб етишади. Аслида, бу йўналиш архитектура таълим йўналишининг малака талаблари асосида ўқитилиб келин-моқда. Улар келажакда етук мутахассис бўлиб етишишлари учун наққошлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, миниатюра ва кошинкорлик каби фанларни ҳам ўзлаштиришлари лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда бўлажак архитектор,

реставратор ва дизайнерларнинг мутахассислик фанларини пухта эгаллашларида қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик ҳамда наққошлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, миниатюра ва кошинкорлик каби фанларнинг ўрни катта бўлиб, уларни алоҳида фан сифатида ўқитилиши зарур. Бу нафақат ўқитувчи-талабалар ва буютмачи ташкилотларнинг талаби, балки малакали кадрларни тайёрлаш бўйича Ҳукумат томонидан қабул қилинган Қарорларнинг ижросини таъминлаш демакдир.

Адабиётлар:

1. ПҚ-3219- сонли Қарори 6-илова. 2017 йил 16 август.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 25 январь.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 20 июлдаги 654-сонли Буйруғи билан тасдиқланган 5341700- Архитектура ёдгорликлари реконструкцияси ва реставрацияси бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ МУАММОЛАРИ

Турсунов Шавкат Шарибжонович, катта ўқитувчи,
Уматалиев Мухторжон Абдурахимович, катта ўқитувчи,
 Наманган муҳандислик-қурилиш институти

Мақолада бугунги кунда умумтаълим мактабларида тасвирий санъат предметини ўқитишни ташкил этиш ва уни ўқитиш методикаси муаммолари долзарблиги кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: методика, таълим усуллари, психология, ўқитиш санъати, маҳорат, тажриба.

В статье рассматривается актуальность проблемы организации преподавания предмета изобразительное искусство в общеобразовательных школах сегодня и методика его преподавания.

Ключевые слова: методика, методика обучения, психология, искусство обучения, мастерство, опыт.

The article examines the relevance of the problem of organizing the teaching of the subject of fine arts in secondary schools today and the methodology of teaching it.

Key words: methodology, teaching methodology, psychology, the art of teaching, skill, experience.

Ўқитиш методикаси, педагог ва ўқувчи муносабатига боғлиқ ва бу муаммо жуда муҳим. Методика таълим ва тарбиянинг самарали ўз ичига олади. Бу педагогиканинг махсус бўлими бўлиб, ўқув-тарбиявий жараён қурилишининг қонун-қоидаларини ўрганади. Ўқитиш усуллари таълим материалга боғлиқ ҳолда ишлаб чиқарилади, ҳар бир мактаб ўқув предметининг ўз таълим усуллари мавжуд. Умумий йўналишга бирлаштирилган таълим методи ва усуллари таълим тизимини ташкил қилади[1]. Амалиётни назария билан бирга олиб бориш, энг яхши педагогик тажриба билан, ҳозирги вақтдаги ва олдинги бадий мактабларнинг илғор тажрибасини ўрганиш тасвирий санъатни ўқитиш соҳасидаги энг самарали илмий изланишлардир. Шундай қилиб, тасвирий санъатни ўргатиш методикаси амалий иш тажрибасини назарий жиҳатдан фан сифатида умумлаштиради. Методика педагогика, психология, эстетика ва санъатшунослик бўйича илмий маълумотларга асосланади. У тасвирий санъатни ўргатиш қонун ва қоидаларини шакллантиради. Ўсиб келаётган авлод тарбияси бўйича замонавий методларни кўрсатиб беради.

Бугунги кунда замонавий методлардан интерактив, педагогик, инновацион ва ахборот технологияларни ўқув жараёнида қўллашни кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бундай бўлишнинг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий

таълимда ўқувчиларга фақат тайёр билимларини эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзларини қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда ўқувчининг ривожланиши, шаклланиши, билим олиш ва тарбиялашига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради.

Таълим беришда, ҳар қандай санъатдаги каби илҳом, ҳис қилиш, топқирлик, ишга ижодий ёндашув талаб қилинади. Баъзан, ўқитувчи дарсни жонлантириши, қандайдир ўзгартиришлар киритиши керак. Баъзан, қутилмаган ҳолатлар юз беради, масалан, янги материал тушунтириляпти, лекин ушбу синф уни ўзлаштира олмайди, материал бу таркибдаги ўқувчилар учун мураккаблик қилади. Бу ҳолда ўқитувчи оқилона равишда эски материалга қайтади ва янги материални кичик дозалар билан эски материал билан боғлаган ҳолда беради[2]. Ўқитувчи кўпинча, ўргатиш давомида, ўқув жараёнини синф реакциясига қараб ўзгартириши, ўқув материални тушунтиришнинг энг янги, самарали усуллари излашга бошлайди. Ўқув жараёнини бошқара олиш алоҳида санъатни талаб қилади. Бу ерда, ўқувчилар эътиборини ҳамма вақт назарий тушунтиришни кўргазмали материаллар воситасида дарснинг асосий

мавзусига қаратиш зарур. Методика педагогдан ишга эмоционал, ижодий ёндашув талаб қилади. Методика ўқитиш санъати сифатида шундан иборатки, ўқитувчи ўқувчига тўғри ёндаша олиши ўқувчига мухтож пайтида ўз вақтида ёрдам кўрсата олиши керак. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларга қийин тушунчаларни энг осон ва қулай шаклда очиб беришдир. Материални тушунтириш ва кўрсатиш кам, уни ўзлаштирилишига эришиш керак. Бу ўқитувчидан катта маҳорат талаб қилади. Ўқувчи бизни яхши тушуниши учун, тушунтириш ва кўрсатиш этарли эмас, ўқувчи ўқув материални қандай қабул қилаётганини, бизнинг сўзларимиз ва ҳаракатларимизга қандай реакция қилаётганини кўра олишимиз, ҳис қила олишимиз керак. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида психологик контакт пайдо бўлиши, улар бир-бирини яхши тушуниши керак. Боланинг юз кўриниши, кўзлари, ҳаракатларига кўра ўқитувчи гап нима ҳақида бораётгани унга етиб боряптими, йўқми кўра олиши керак. Бу ҳолда ўқитувчи ўз маҳорати ва тажрибасига суянади.

Ўқитиш санъати кўп нарса талаб қилади, ўз предметини билиш, педагогика, психология, физиологиянинг асосий ҳолатларини билиш, ўқув-тарбиявий жараёни ташкил қилиш методикаси қонуниятларини тушуниш ва ўқитиш амалиётида бу билимлардан ижодий фойдалана олиш[3]. Лекин, энг асосийси – ўз ишини севиш, педагогик маҳоратни ошириш педагогнинг ўз фаолиятига муҳаббати билан чамбарчас боғлиқ. Болаларга ижод қувончини бериш, уларга ўз қўллари билан гўзаллик яратишни ўргатишга ҳаракат қилиб, педагог таълим бериш санъатининг гўзаллиги, унинг имкониятларини ҳис қилишни бошлайди. У педагогик жараёни бошқаришдан, унинг таъсир кучидан завқ олади; у ўқувчисининг энг кичик муваффақиятидан, унинг ижод қилиш, билиш, ҳис қила олиш қобилиятларидан қувонади. Методикага эга бўлиш учун педагогик касбига болган меҳр этарли эмас.

Тасвирий саводхонлик асосларини тез ва муштаҳкам ўзлаштириш аввало, тўғри методик ёндашувга боғлиқ. Расм чизишга ўргатишда методик раҳбарлик болага реал расмни қуриш қоидаларини, натура қурилиши қонуниятларини ўзлаштиришда ёрдам беради. Тўғри ташкил қилинган таълим натижасида ўқувчилар мустақилликка тезроқ кўникади, уларда билимга, фанга қизиқиш кучаяди, расм чизишдаги маҳоратни оширишга ҳаракат кучаяди. Замонавий расм чизишга ўргатиш методикаси мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтган. Ўқитиш методлари ғоялар, бадиий йўналишлар алмашунуви, таълим принципларининг ўзгариши натижасида ўзгариб борган. Методикани муваффақиятли эгаллаш учун олдинги даврларда эришилган барча энг яхши нарсалардан танқидий фойдаланиш зарур. Таълим методлар тарихини билиш ўз

предметини тушуна олишга имкон беради. Таълим методлари тарихи, аجدодлар тўплаган тажрибасини сақлаб, замонавий вазифаларни тўғри ечишга имкон беради[4].

Ҳозирги вақтда ўрта умумтаълим мактабларда тасвирий санъатни ўқитиш вазифасига алоҳида буюмларни натурада тасвирлаш, мураккаб бўлмаган натюрмортлар, интерьерлар, пейзажларни чизиш қиради. Тасвирий санъат элементлари билан танишиб, ўқувчилар рангли қаламлар, акварель ва гуашь бўёқлари билан ишлашнинг техник усулларини эгаллашади. Тасвирий санъатни ўргатишда, болалар борлиқни қувонч ҳисси билан қабул қилишини назарда тутиш керак [5]. Болаларнинг таассуротлари аста-секин фикрларга айланади. Педагогнинг вазифаси – болада бу илҳом ҳиссини ўлдирмасдан, уни борлиқ ҳақидаги тўғри тасаввурларга оқилона олиб бориш керак. Шунинг учун, ўқувчиларга натурадан олинган кўриш таассуротларини ифодалаш учун ранг ва тусдан тўғри фойдаланишни ўргатиш, предметларда ранг ва нур ўйинини бера олишни ўргатиш керак. Натурадан чизиш болаларни эстетик тарбиялашнинг ажойиб воситаси ҳисобланади. Пейзаж, дарахт, гулни натурадан чизиш, бу предметларнинг шакли характерини ўрганиб, боланинг табиат гўзалликларига, унинг шакл ва бўёқлари бойлиги ва хилма-хиллигига бўлган қизиқиши уйғонади. У бутун ва қисмларнинг пропорционал мослигини кўра олади, табиат шакллари уйғунлиги ва ритмини, ранг муносабатларини илғай олади. Болаларда қузатувчанлик, ҳис қилиш ривожлантирилиб, бу билан эстетик тарбия вазифаларини ечади.

Ўқувчиларнинг ҳақиқий билимлари амалиётда кўринади. Ўқувчиларнинг фаоллиги принципи – энг муҳим дидактик принциплардан биридир. Ўқитиш даврида ўқувчида оддий, осон кўникмалардан қийинроқ иш усуллари малакаларини ривожлантиришга ўтилади [6]. Тизимлилик ва узвийлик принципларига асосланамиз. Шундай қилиб, инсонни баркамол ривожланиши тарбияси муаммолари ҳозирги вақтда давлат аҳамиятидаги вазифадир. Инсонга санъатнинг таъсир кучидан фойдаланиб, расм ўқитувчиси ўрта умумтаълим мактабларида болалар билан ўқув – тарбиявий ишлар олиб боришда катта имкониятларга эга. Болаларни санъатга ошно қилганимизда, санъатнинг мақсад ва вазифаларини тўлароқ очишимиз керак.

Бизга маълумки, дарс таълимнинг асосий ташкилий шаклидир. Дарс жуда узоқ, тарихий давр мобайнида шаклланган таълим жараёни бўлиб, йиддан-йилга унинг мазмуни ва методлари ривожланиб, сайқалланиб бормокда. У жамият тараққиёти билан ҳамоханг равишда мазмунан бойиб, такомиллашиб дарсда нимадир ўрганилади, хоҳиш, истак, қизиқиш, маълум бир мақсад сари интилиш пайдо бўлади. У шахсни

келажан ҳаётга тайёрлайди, яъни шахс шаклланади, тарбияланади, маънавий ривожланади.

Ўқувчи фаол бўлиши учун, аввало, ўқитувчи фаоллиги талаб этилиди. Фаоллик – бугуннинг энг муҳим тушунчаси. Чунки Ватанимиз равнақи, таълим тараққиёти кўп жиҳатдан ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаоллиги билан чамбарчарс боғлиқ. Бадиий таълим дарс жараёнида фаолликни таъминлаш учун биз куйида бир неча усулларни тавсия этамиз.

Адабиётлар:

1. Современные образовательные технологии. Учебное пособие. -Екатеринбург, 2014.- С.37.
2. Чупрасова.В.И. Современные технологии в образовании. - Владивосток, 2000.- С.45.

TEXNIKA OLIY O'QUV YURTLARIDA LABORATORIYA MASHG'ULOTLARINI TASHKIL ETISHNI TAKOMILLASHTIRISH USULLARI.

Karimov A.A., Elmuradov B.E. Samarqand davlat arxitektura-qurish instituti

Основной задачей системы высшего образования является удовлетворение потребностей рынка труда в правильном направлении и необходимого уровня специалистов, подготовка специалистов с развитым научным и профессиональным кругозором. Этому способствуют все формы организации учебного процесса в высшей школе, но особое внимание уделяется лабораторной практике, которая является одним из основных компонентов приобретения и формирования профессиональных компетенций. Основная цель статьи – правильная и эффективная организация лабораторных занятий в технических вузах.

Ключевая слова: лаборатория, организация, учебная заведения, учебный процесс.

The main task of the higher education system is to meet the needs of the labor market in the right direction and the necessary level of specialists, training specialists with a developed scientific and professional outlook. This is facilitated by all forms of organization of the educational process in higher education, but special attention is paid to laboratory practice, which is one of the main components of the acquisition and formation of professional competencies. The main goal of the article is the correct and effective organization of laboratory studies in technical universities.

Key words: laboratory, organization, educational institution, educational process.

Oliy ta'lim tizimining asosiy vazifasi mehnat bozorining to'g'ri yo'naltirilgan va zarur darajadagi mutaxassislarga bo'lgan ehtiyojini qondirish, rivojlangan ilmiy va kasbiy dunyoqarashga ega bo'lgan kasb egalari tayyorlashdir. Bunga oliy ta'limda o'quv jarayonini tashkil etishning barcha shakllari yordam beradi, ammo kasbiy vakolatlarni o'zlashtirish va shakllantirishning asosiy tarkibiy qismlaridan biri bo'lgan laboratoriya amaliyotiga alohida e'tibor beriladi.

Laboratoriya mashg'ulotlari – texnika oliy o'quv yurtidagi o'quv jarayonining ajralmas qismi bo'lib, uning davomida talabalar aniq bir sohada birinchi marta mustaqil amaliy faoliyatga duch kelishadi. Laboratoriya mashg'uloti, aniqrog'i, o'quvchilarga eksperimental o'quv tadqiqotlari va ilmiy tadqiqotlarni o'tkazishning ayrim turlari, yo'llari va usullarini o'zlashtirishga, ularni ijodiy faoliyatini o'lchash va rivojlantirish uchun zamonaviy texnik va dasturiy vositalar bilan tanishtirishga qaratilgan o'quv ishlarining shakllaridan biridir.

Laboratoriya mashg'ulotlari, talabalarning ma'ruzalar, seminarlarda chuqur naza-riy ishlari va bilimlarni amalda qo'llash o'rtasidagi bog'liqlikdir. Ushbu mashg'ulotlar nazariy tadqiqotlar elementlarini amaliy ish bilan, o'quv fanlarining asosiy tarkibiy qismlarini ushbu tarkibni

3. Современные технологии обучения в вузе. Под редакцией М.А.Малышевой. Учебно-методическое пособие.- Санкт-Петербург, 2011.- С.6.

4. Факторы развития художественно-эстетического воспитания в процессе обучения ШИШ Турсунов, ДК Бегматов - Высшая школа, 2015 - elibrary.ru

5. Использование новых педагогических технологий в процессе художественного образования ШИШ Турсунов - Science Time, 2016 - elibrary.ru

6. Использование современных педагогических технологий в процессе обучения в целях развития знаний молодежи об ... Ш.Ш. Турсунов, Г.У. Махкамов - Science Time, 2016 - elibrary.ru

o'zlashtirishning laboratoriya-amaliy shakli bilan muvaffa-qiyatli birlashtiradi va shu bilan o'quvchilarning fanga qiziqishini, ularning bilim faolligini, mantiqiy fikrlash va ijodiy mustaqilligini rivojlantirish uchun sharoit yaratadi.

Shunday qilib, texnika oliy o'quv yurtidagi laboratoriya mashg'ulotlari alohida o'rin egallaydi va talabalarni o'qitish sifati ko'p jihatdan ushbu darslarning nazariy, amaliy va uslubiy tayyorgarligi darajasiga bog'liq.

Laboratoriya mashg'ulotlari odatda texnika oliy o'quv yurtining o'quv laboratoriyasida – o'qituvchi rahbarligida laboratoriya ishlari uchun maxsus jihozlar bilan jihozlangan sinfxonada o'tkaziladi. Ammo ularni laboratoriya, ilmiy korxona, ilmiy muassasa, vazirlik tarkibiga kiradigan va ilmiy hamda ishlab chiqarish muammolarini hal qilish uchun ilmiy, ishlab chiqarish va nazorat tajribalarini

Ta'lim jarayonining mazmuni, metodologiyasi va tashkil etilishi bo'yicha asosiy boshlang'ich, eng umumiy ko'rsatmalar o'quv tamoillarida belgilangan [1]. Laboratoriya mashg'ulotlarini tashkillashtirishda quyidagi asosiy tamoillar tizimini aniqlash mumkin:

– Ijtimoiy shartlash va ilmiy o'rganish tamoili talabalarni tayyorlashda davlat va jamiyat talablariga rioya qilish zarurligini belgilaydi.

– Ta'limdagi qat'iyatlilik, tizimlilik va izchillik tamoiili samarali o'qitish ko'rib chiqilayotgan hodisalarning ichki birligini anglatuvchi o'zaro bog'liq elementlarni o'z ichiga olgan aniq yaxlit tizim mavjud bo'lgandagina mumkin ekanligi haqidagi ilmiy nuqtai nazardan kelib chiqadi. Ushbu tamoyil o'quv jarayonining yo'nalishini, mantig'ini va ketma-ketligini belgilaydi.

– Erkinlik tamoiili va o'qishning yuqori darajasi o'quvchilar bilim, ko'nikma va yangiliklarni ongli va faol o'zlashtiradigan va ularning haqiqiy qobiliyatlarini hisobga olgan holda kasbiy kompetensiyalarni shakllantiradigan bunday tashkil etish va o'qitish metodologiyasini belgilaydi.

– Talabalarning ongi, faolligi va motivatsiyasi tamoiili. O'quvda ongli ravishda bo'lish, tinglovchilar o'rganilayotgan muammolarning mohiyatini, olingan bilim-larning to'g'riligi va amaliy ahamiyatini va ularning o'rganishga ijobiy munosabatini tushunishni talab qiladi. Ta'lim oluvchilarning faoliyati bu ularning jadal aqliy faoliyati va bilimlarni, shakllangan ko'nikma va qobiliyatlarni o'rganish va qo'llash jarayonida amaliy mashg'ulotlardir.

– Kasbiy kompetensiya tarkibiy qismlarini mahoratlilik tamoiili. Amaliy muammolarni hal qilish uchun talabalar nafaqat bilimga, balki kasbiy kompeten-tsiyaning o'zaro bog'liq tarkibiy qismlariga - bilim, ko'nikma, qobiliyat va kasbiy mahoratga, ularni amaliyotda qo'llash uchun etarli chuqurlikka va kuchga ega bo'lishlari kerak.

– Ta'limga tabaqalashtirilgan va individual yondoshish tamoiili har bir o'quvchining mashg'ulotiga individual yondoshish bilan uzviy bog'liq holda sinfda turli xil tayyorgarlik mavzularida guruhliy o'quv va kognitiv harakatlarning tashkil etilishini belgilaydi.

Yuqoridagi o'quv tamoyillari tizimiga asoslangan laboratoriya ishlarini olib boradigan bir qator o'quv yurtlarning tajribasi bizga yuqori sifatli laboratoriya mashg'ulotlari uchun quyidagi talablarni shakllantirishga imkon beradi:

laboratoriya mashg'ulotlarini o'tkazish vaqti nazariy materialni o'rganish vaqtiga to'g'ri kelishi kerak, ular old tomondan, o'zgaruvchan, haqiqatan ham, zamonaviy jihozlardan foydalangan holda, zamonaviy ta'lim texnologiyalari, eksperimental tadqiqotlar uchun zamonaviy texnologiyalar, yuqori sifatli uslubiy ta'minot talab etiladi va shu bilan birga, ta'limga tabaqalashtirilgan, individual va shaxsga yo'naltirilgan yondoshuvlar berilishi kerak.

Maqolaning asosiy maqsadi - o'quv jarayonini faollashtirishga, o'quvchilarning kognitiv va ijodiy salohiyatini rivojlantirishga, nazariy materiallarni o'zlashtirish samaradorligini oshirishga yordam beradigan zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish asosida yuqori sifatli laboratoriya mashg'ulotlarini tashkil etish uchun pedagogik sharoitlarni aniqlash va asoslash.

Laboratoriya amaliyoti, qoida tariqasida, uch qismga bo'linadi - nazariy, amaliy va hisobot

yo'zish. O'quv va uslubiy materiallar shaklida tuzilgan nazariy qism nazariya haqida qisqacha ma'lumotni, o'rganilayotgan ob'ekt yoki hodisani tavsifi, o'rnatish tavsifi, eksperimentni bajarish vazifasi va metodologiyasi, tavsiya etilgan adabiyotlar, hisobot talablari va nazorat savollarini o'z ichiga oladi. O'quv materiallari mustaqil ravishda yuqori sifatli laboratoriya ishlariga tayyorlanishi uchun talabalarga vaqtinchalik hisob-kitob bilan berilishi kerak.

Amaliy qism davomida tajriba mashg'uloti laboratoriya sharoitida o'tkaziladi. Hisobotni yo'zish tajriba davomida olingan manbalar va olingan ma'lumotlar asosida zarur hisob-kitoblarni, jadval va grafik materiallarni loyihalashni, natijalarni hisoblan-ganlar bilan taqqoslashni, xatolarni baholashni, takliflar va xulosalarni shakllantirishni o'z ichiga oladi.

Laboratoriya mahsulotining amaliy qismi an'anaviy ravishda to'liq miqyosli eksperiment shaklida amalga oshiriladi - eksperiment to'g'ridan-to'g'ri ob'ektning o'zida amalga oshiriladi. To'liq miqyosli eksperiment o'tkazish uchun zarur jihozlarga ega bo'lsangiz ham, uni etarli darajada to'liq bajarish uchun bir qator cheklovlar mavjud bo'ladi.

Birinchidan, bu vaqt omilidir. Laboratoriya tajribasi ko'pincha ko'p vaqt talab etadi. Bundan tashqari, natijalarni tushunish uchun vaqt kerak. Laboratoriya mashg'ulotlariga ajratilgan qisqa vaqt ichida laboratoriya ishlarini bajarishga majbur bo'lgan masofaviy ta'lim talabalari uchun vaqt cheklovlari ayniqsa keskin ta'sir etadi.

Ikkinchidan, to'liq miqyosdagi tajribalar ya'ni axborot texnologiyalari laborato-riyalarida xavfsizlik choralari ehtiyotkorlik bilan rioya qilishni talab qiladi, shuning uchun ular o'qituvchining qat'iy nazorati ostida va oldindan ishlab chiqilgan rejaga muvofiq amalga oshiriladi. Bunday laboratoriya mashg'ulotlari doirasida talabalarning tashabbuskorligi va mustaqilligining namoyon bo'lishi uslubiy ko'rsatmalar va laboratoriya mashg'ulotlarini o'tkazish rejasi bilan cheklanganligi.

Va nihoyat, keng ko'lamli eksperiment ko'pincha qimmat va murakkab bo'lib, moddiy jihozlarni talab qiladi, bu har doim ham ta'lim muassasalarida mavjud bo'la-vermaydi va muntazam ravishda bu bo'shliqlarni to'ldirish va ularning o'rnini zamona-viyroqlari bilan yangilashni taqozo etadi.

Axborot texnologiyalarining uzluksiz rivojlanib borishi bilan, to'liq miq-yosda, kompyuterli (mul'timediali, raqamli, virtual) tajribalar majmualari keng qo'llanila boshlandi. Kompyuterda o'rganish uchun har qanday ob'ekt matematik-kompyuterli model-larga o'tkazilgan holda uning barcha parametrlari model parametrlari bo'yicha hisoblanganligi hamda shu asosda tahlil qilinib xulosalar chiqarildi. Matematik model

tomonidan tasvirlangan ob'ektlar ba'zi hollarda virtual laboratoriya tajribasini o'tka-zishda talabalarning amaliy mashg'ulotlarini bajarishda eng samarali vositalardan biri bo'lishi mumkin.

Biz qanday hollarda virtual tajribalardan foydalanishimiz mumkin. Virtual tajribadan foydalanish quyidagi holatlarga mos keladi[2]:

1. Haqiqiy laboratoriya tajribasida ko'paytirish qiyin bo'lgan fizik hodisalarni namoyish etishda;

2. Kompyuter simulyatorlari yordamida eksperimentlarning xavfsizligini oshirishda;

3. Jismoniy jarayonlarni "ichdan" ko'rib chiqishga imkon beradigan modellarni yaratish orqali talabalarning bilimga bo'lgan qiziqishini oshirishda;

4. Jarayonga o'zgartirishlar kiritish, qurilmaning ishlashida yuz beradigan o'zgarishlarni kuzatish va ularning tabiatini mustaqil baholashda;

5. Tubdan kuzatib bo'lmaydigan hodisalarni haqiqiy laboratoriya tajribasida vizuallashtirishda.

Shuningdek, quyidagilar uchun:

1. Haqiqiy tajribada xavfsizlik protseduralarini buzish va / yoki qurilmaga shikast etkazish bilan bog'liq bo'lgan maqbul ish rejimlaridan tashqarida qurilmaning o'zini namoyish qilishda;

2. Keyinchalik tanqidiy tahlil qilish uchun individual muhandislik echimlarini ta'kidlash uchun talabalarning e'tiborini (materialning tegishli taqdimoti va uni taqdim etish shakli bo'yicha) qurilmaning ishlash tamoyillariga qaratishda.

Bundan tashqari, virtual eksperimentni moslashtirish, ya'ni talabaning qobiliyatiga qarab sozlash mumkin, bu sizga individualizatsiya tamoyilini amalga oshirishga imkon beradi. Hisobotni yozishda kompyuterdan foydalanish hisob-kitoblarni sezilarli darajada soddalashtirishi va tezlashtirishi, kerakli ma'lumot va uslubiy materiallarga kirishni soddalashtirishi, jadvallar, grafikalar, rasmlar, matnlar, hisobotning elektron nusxasini yaratishga imkon beradi.

Ammo kompyuter dasturida mavjud bo'lgan barcha omillar va munosabatlarning ta'sirini oldindan bilish qiyin, ayniqsa ushbu davrda ularning aksariyati shunchaki aniqlanmagan va o'rganilmagan bo'lsa. Oraliq variant yarim tabiiy eksperiment bo'lib, unda o'rganilayotgan hodisalar, jarayonlar va tizimlarni o'rganuvchi uchun eng muhim qism haqiqiy o'rnatishda takrorlanadi, qolgan qismi kompyuterda taqlid qilinadi. Bunday holda, laboratoriya ustaxonasining haqiqiy ob'ektlari va ularning modellarini o'rganishning oqilona kombinatsiyasiga erishish mumkin.

Laboratoriya mashg'ulotlari uchun o'quv va uslubiy materiallar bosma nashrlar shaklida yoki elektron o'quv vositalari, shu jumladan didaktik, uslubiy va ma'lumot-nomalar shaklida tayyorlanishi mumkin. Ikkinchi holda, o'quv materiallari va

laboratoriya ishlari ikkita quyi tizimdan iborat tizim shaklida taqdim etilishi mumkin:

- axborot (tarkib);
- dasturiy ta'minot (dasturiy ta'minotni amalga oshirish).

Bunday virtual laboratoriya eksperimentini (VLE) yaratish texnologiyasida quyidagi asosiy bosqichlarni ajratish mumkin:

- dastlabki materiallarni tayyorlash;
- virtual laboratoriya eksperimentining dasturiy tuzilishini ishlab chiqish;
- virtual laboratoriya eksperimentining tarkibini kompyuterda tayyorlash;
- virtual laboratoriya tajriba sxemasi;
- virtual laboratoriya eksperimentini uning natijalari asosida takomillashtirish bilan sinash;
- virtual laboratoriya tajribasini tarqatishni tayyorlash va qayd qilish, foydalanuvchi va o'qituvchi uchun hujjatlar ishlab chiqish.

Kompyuterli virtual va mul'timediali laboratoriya tajriba ishlarini tashkil etish texnika oliy o'quv yurtlari uchun juda muhimdir. Aynan arxitektura va qurilish sohasida tayyorlanadigan mutaxassislar uchun bunday laboratoriya tajriba mashg'ulotlarini tayyorlash katta samara beradi. Masalan:

1. Qurilish materiallari tarkibini aniqlashda va sinovdan o'tkazish jarayonlarida;

2. Zamin va poydevorlarning mustahkamligini tekshirish va ularning hisobini yuritish jarayonlarida;

3. Geodeziya va kadastr ishlarini belgilashda, o'lchamlarini aniqlashda hamda suniy yo'ldosh orqali amalga oshiriladigan xalqaro tizimga joylashtirishda;

4. Oqova suvlarni boshqarish va tozalashda;

5. Gaz va elektr tarmoqlari ishini onlayn tashkil etish va avtomatik boshqarish ishlarida;

6. Bino va inshootlarni vizual modelashtirishda va boshqalarda.

Adabiyotlar:

1. Селевко, Г.К. Педагогические технологии на основе информационно-коммуникационных средств: учебное пос. / Г.К. Селевко – М.: НИИ школьных технологий, 2004. – 224 с. – ISBN 5–87953–203–8.

2. Жарков, Ф.П. Использование виртуальных инструментов Lab VIEW [Текст] / Ф.П. Жарков, В.В. Каратаев, В.Ф. Никифоров, В.С. Панов. Под ред. К.С. Демирчана и В.Г. Миронova. – М.: Солон-Р, Радио и связь, Горячая линия – Телеком, 1999. – 268 с.

Мундарижа

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА БУЮМЛАРИ
СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ И ИЗДЕЛИЯ

Махмудов М., Саидмуродова С. Прочность материала, полученного на основе гипса и древесной стружки	3
Pulatova Z.U., Aliyeva Sh.O. Nanomodifikatsiyalangan beton: XXI asr texnologiyalari	5
Ғуломова Ҳ.А., Довуров И., Абдурасулов Б. Агрессив муҳитларда бетонларнинг коррозиябардошлигини ошириш истикболлари	7
Рахматуллаев М., Юлдошов Б. Разработка технологии получения нефтеминерализованной смеси .	8
Сафаров Р., Саидмуратов Б.И., Шерматов Н. Статистической обработки и анализ данных композитного рулонного материала (бетона).	11
Махамматов М.С. Пулатова З.У. Основы энергоэффективности, расчёты утепления для жилого дома	13

ИНЖЕНЕРЛИК ТАРМОҚЛАРИ ҚУРИЛИШИ
СТРОИТЕЛЬСТВО ИНЖЕНЕРНЫХ СЕТЕЙ

Бобоев С.М., Олимова Н. Г. Пылеулавливающие аппараты и анализ технологических процессов Зарбдорского хлопкоочистительного завода	17
Tursunov M.K., Ulugbekov B. B. Binolarda isitish tizimlarining elevator qurilmasining texnik holatini tahlil qilish	18
Сатторов А.Б. Суультирилган газларда ишлайдиган газ таъминоти тизимларини ташкил этиш, ўрнатиш ва татбиқ этиш.	21
Мавланова Ю.И., Холов Ф.М. Технология очистки производственных сточных вод текстильных предприятий	24
Хайитов З. Т., Холдоров Н., Имомов Б.У. Ёмғир сувларини йиғиш ва ундан ичимлик суви сифатида фойдаланиш.	27
Тулбаев Б.Б., Камолова С.Н. Энергосберегающие технологии в системах вентиляции	28
Росабоев А.Т., Худоёрров Ш.Т. Қишлоқ хўжалик экинлари уруғини хаво оқимида тозалаш мумкинлигини назарий асослаш	31
Жураев О.Ж., Сабирова Д.А., Каюмова Л.Ш. Очистка сточных красильно-отделочного производства с методом ультрафильтрации	34
Якубов К.А., Мавланова Ю.И. Система водоснабжения предприятий легкой промышленности	37
Сабирова Д.А., Усанова С., Жураев О.Ж. Развитие мембранных технологий и возможность их применения для предприятий	39
Юсупов У.Т., Мингяшаров А.Х. Энергоэффективность производственных и складских помещений промышленных зданий	42
Тулбаев Б.Б., Шамсиева Н.М. Характеристика и классификация нефтесодержащих стоков. Механическая очистка нефтесодержащих стоков	45
Baxronov P. Murtazayev F. Cho'kmalarga ishlov berish va suvsizlantirishning zamonaviy usullari	46
Хусанов Ҳ. Г., Исмоилов А. И., Маматов Б. Б. Биноларни иситиш, иссиқ сув таъминоти тизимларини ноанъанавий қайта тикланувчан энергия орқали лойиҳалаш.	48
Эшматов М., Алланазаров Қ., Нарзуллаев С. Паст потенциалли иккиламчи иссиқлик энергия ресурсларидан фойдаланиш	50
Алланазаров Қ., Нарзуллаев С., Эшматов М. Юқори потенциалли иккиламчи иссиқлик энергияси ресурсларидан фойдаланиш	51
Норкулов Б.Э., Базаров Д.Р., Суюнов Ж.Ш., Қурбонов А., Жамолов Ф. Гидравлические режимы бесплотинного водозабора	53
Бахтияров Б.Б., Болбеков М., Хотамов А. Подготовка антенны обнаружения и распознавания объектов	58
Нурмуродов Ж.Х., Журакулов А.Х. Хотамов А. Анализ методов триангуляции для радиотелеметрии	60
Норкулов Б.М., Нурматов П.А., Суюнов Ж.Ш., Таджиева Д. Методы определения убытковвнутренних последствий систем водоснабжения	62
Хасанов З.А., Пирназаров И.М., Қаландаров М.М., Амиркулов Т.А. Создание цифровых топографических планов подземных коммуникации (г. Самарканд)	65
Ярматова Д.С. Табиий ҳудудлар кадастрлари объектларини баҳолаш ва кадастр рақамини бериш тартиби	67
Тухтамишев Ш.Ш. Самарқанд шаҳар кўчаларини рапогата дастурида шовкин харитасини ишлаб чиқиш методи	69

Хайитов Х.Ж., Авилова Н.Ф. Гидротехника иншоотларини лойиҳалашда геодезик ва топографик ишларни ГАТ асосида бажаришни илмий ва амалий асослаш	72
Артиков Ғ.А., Майинов Ш.К., Бобокалонов М.Х. Ўзбекистон Республикасидаги автомобиль йўлларини қайта қуришда ва муҳандислик-геодезик кидирув ишларида учувчисиз учуш аппаратларидан фойдаланиш	76

ИНЖЕНЕРЛИК ИНШООТЛАРИ НАЗАРИЯСИ ТЕОРИЯ ИНЖЕНЕРНЫХ СООРУЖЕНИЙ

Халмурадов Р.И., Омонов Ш.Б. Особенности взаимодействие анкерной и набрызгбетонной крепей с горным массивом	79
Раззоков С.Р., Раззоков Н. С., Тлеубасва Т. А. Стадийность работы опорных контуров висячих систем в монтажных и эксплуатационных состояниях	83
Жуманиязов Х.Ж., Воҳидов Д. А. Автомобиль осмасини CAD/CAE дастурий комплекслари ёрдамида моделлаштириш	87
Холбутаев У.Х., Нарбеков Н. Н. Определения напряжений в стыкуемых трубах к сложным узлом подземных сооружений при землетрясениях	89
Косимов Т., Бердикулов Б., Кулмирзаев И., Раззаков Н. Ползучесть железобетонных резервуаров при действии внутреннего давления.....	91
Воҳидов Д. А. Фронтал юклагичнинг асосий қовшини CAD/CAE дастурий комплексларида лойиҳалаш ва ҳисоблаш принциплари	94
Янгиев А.А., Аджимуратов Д.С., Азизов Ш. Юқори босимли уюрма шахтали сув ташлагичлар конфузур участкасида бурама оқимлардаги босим ва солиштирма энергиянинг назарий тадқиқоти	98
Ходжабеков М.У. Стерженьнинг хусусий тебраниш формаси ва частота тенгламасига оид адабиётлар таҳлилий шарҳи	102
Ибрагимов Н. Х., Исабеков К., Косимов Т. К., Каландаров С. К выбору математической модели стержневых систем типа ферм	104
Содиқов М. А., Косимов Т., Кулмирзаев И., Аслонов М. К анализу нелинейных критериев разрушения инженерных сооружений с учетом динамическом деформирования материалов и конструкций	106
Омонов Ш.Б. Модель расчета и оптимизации параметров анкер-набрызг бетонной крепи стволов вертикальных шахт	110
Косимов Т., Бердикулов Б., Тошпулатов Х., Тиллаев М. Напряженно-деформированного состояния инженерных сооружений в виде железобетон цилиндрических оболочек с учетом вынужденных колебаний	113
Мадумаров К.Х. Винт ҳалқа сиртларнинг (ВХС) геометрик моделларини тасвирлаш	116
Ахмедов З.С. К вопросу определения периодичности по закономерности изменения параметра технического состояния и его допустимому значению.	118

ҚУРИЛИШ ЭКОНОМИКАСИ ВА УНИ БОШҚАРИШ ЭКОНОМИКА И УПРАВЛЕНИЕ СТРОИТЕЛЬСТВОМ

Каржавов З. К., Мусурманов Р.М., Жуманов Ш.Н., Абдуманнонов Б.М. Некоторые вопросы инновационного предпринимательства в модернизации базовых отраслей экономики	122
Махаммадиев С.Б., Сафаров Ш. Ш. Қурилиш материалларни таққослашнинг иқтисодий мезонлари	125
Baxriyev N F., Xo'janazarov F.M. Optimallashtirilgan sendvich panellardan turar-joy va sanoat binolarini tezkor ravishda qurish texnologiyasi.	127
Abduqadirova M.A. Qurilish sohasida innovatsion boshqarish tizimini yo'lga qo'yishning xozirgi kundagi ahamiyati	130
Buronov O. B., Karjavov Z. K., Musurmonov R. M. Қурилиш иқтисодиётини бошқаришда ахборот технологиялари орқали рақамлаштиришнинг услубий жиҳатлари	128
Ўринбоев Ш.Э. “Қаламтасвир, рангтасвир, ҳайкалтарошлик” фанининг долзарб муаммолари	131
Турсунов Ш.Ш., Уматалиев М.А. Тасвирий санъат фанини ўқитиш методикаси муаммолари	134
Karimov A.A., Elmurodov B.E. Texnika oliy o'quv yurtlarida laboratoriya mashg'ulotlarini tashkil etishni takomillashtirish usullari.....	136

ПРАВИЛА ОФОРМЛЕНИЯ СТАТЕЙ ДЛЯ ЖУРНАЛА «Проблемы архитектуры и строительства»

1. Объем статьи не более 5 страниц машинописного текста. Текст статьи печатается через 1 интервал, размер шрифта 14 пт. Рисунки шириной не более 9 см. Формулы – в редакторе Microsoft Equation или MathType.

2. К статье прилагаются: аннотации и ключевые слова на узбекском, русском и английском языках (объем 5-10 строки), список литературы. Титульная страница должна содержать: УДК, название статьи, затем фамилию (или фамилии) и инициалы автора (ов).

Под списком литературы указать институт или организацию, представившую статью, а также указать сведения об авторах и их контактные телефоны.

3. Для каждой представляемой статьи должен быть представлен акт экспертизы той организации, где работает автор.

4. Текст статьи должен быть представлен в электронном варианте, а также в распечатанном виде - 2 экз.

5. Представленная статья проходит предварительную экспертизу. Независимо от результата экспертизы, статья автору не возвращается. Решение о публикации статьи в журнале принимается главным редактором совместно с членами редколлегии по специализации представленной статьи.

6. Автор(ы) должны гарантировать обеспечение финансирования публикации статьи.

Редколлегия

Мухаррир: Х.М.Ибрагимов.

Корректорлар: т.ф.н. доц. В.А.Кондратьев, У.Хушвактов.

Компьютерда саҳифаловчи: Х.М.Ибрагимов

Теришга 2021 йил 20 июнда берилди. Босишга 2021 йил 30 июнда рухсат этилди.

Қоғоз ўлчами 60x84/8. Нашриёт ҳисоб тобоғи 6,9. Қоғози – офсет.

Буюртма № 21/2. Адади 100 нусха. Баҳоси келишилган нархда.

СамДАҚИ босмахонасида 2021 йил 1 июлда чоп этилди.

Самарқанд шаҳар, Лолазор кўчаси, 70. Email **ilmiy-jurnal@mail.ru**